

# ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮОРТ



Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласидиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматларини, ходисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим.

Табиат ва жамият бойликлари, ходисаларини қадриятлар сирасига киритилишнинг асосий сабаби-кишилар уларни қадрлайдилар, авайлаб-асрайдилар, чунки, бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини, маънавий – руҳий дунёсини бойитади, яратувчанлик фаолиятига йўллади.

# **Миллий қадриятларни тикланиши – миллат тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғусининг тикланишидир**



**Буюк  
аждодларимиз  
юбилейлари ва  
қадимиш  
шаҳарларимиз  
юбилей  
саналарини  
муносиб  
нишонлаш**



**Ватан озодлиги  
учун курашларда  
ҳалок  
бўлганларнинг  
хотирасини  
абадийлаштириш**

**Миллий  
қадриятларимиз**

**Буюк  
аждодларимиз  
**Хотирасига**  
атаб  
ёдгорликлар ва  
иншоотлар  
қуриш**

**Ўзбек ва чет  
тилларида Шарқ  
мутафаккирларининг  
нодир асарларини  
нашр этиш**



**Халқнинг маънавий ўсиши - янги жамият қурилиши йўлида  
қўйилган мақсадларга етишишининг ҳал қилувчи омили**

# Бетакрор меросимизнинг тикланиши

Аждодларимизнинг  
маънавий мероси



Халқ оғзаки ижоди,  
Қадимий ёзма манбалар

Урф-одат, анъана,  
маросим ва миллий байрамлар

Ислом дини

Илм-фан, адабиёт ва санъат





# Миллий маънавий мерос, қадриятлар таркиби

тариҳий мерос ва тариҳий хотира;

маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар;

илему-фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;

санъат ва миллий адабиёт асарлари;

ахлоқий fazилатлар;

диний қадриятлар;

урф-одат, анъана ва маросимлар;

маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

# Ўзбек миллий қадриятларининг миллат ҳаётида намоён бўлиши


- миллатнинг ўлмас рухи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага - ҳурмат, кичикка - иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму-ҳаё, ибо-иффат, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва ҳоказо
- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-куй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

## Қадрият турлари:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.
2. Аньаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар.
3. Инсоннинг ақл-идроқи ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўниқмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдоларида намоён бўладиган қадриятлар.
4. Одамлар ўртасидаги жамоатчилик, ҳамкорлик, ҳайриҳоҳлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар...

Қадриятларни хилма-хил шакл ва турларга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Умумисоний қадриятлар.
2. Минтақавий қадриятлар.
3. Миллий қадриятлар.
4. Диний қадриятлар.



# 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди



Маълумки, 1937-1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида  
мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди.

Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун  
биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга  
учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.



Ўзбек халқининг энг қадимий давларидан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятларидан бири ота-онанинг фарзандлар томонидан юксак даражада эъзозланиши, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатdir.

Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она – фарзандларнинг суюнчиғи, битмас-туғанмас бойлигидир. Ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов, beminnat хизматига бир умр содик бўлиш, дуоларини олиш – болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни – Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур.



Халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳақиқатни англаб етишига эришиш учун, авваламбор, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, юксалтириш, онгини миллий фоя, унинг фалсафий-тарихий илдизлари тўғрисидаги билимларни сингдириш орқали бойитиш зарур.

**И.А.Каримов** таъкидлаганлариdek, “*Табарруқ заминимизнинг қадрига етиши учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, уларнинг бу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак*”.

Ўз юрти, унинг келажаги, элининг маънавияти, хусусан, унинг иймон-эътиқоди, илмий салоҳиятини ўйлаб иш қилган аждодларимизнинг кўпи ўз фаолиятларини мураккаб мафкуравий шароитда амалга оширганлар ва шунинг учун ҳам улар жасорат кўрсатган инсонлар қаторида тилга олинади. Маънавий жасоратни тушуниб етиш инсон ҳаётининг мухим қирраси эканлигини, ўз аҳамиятига, қадр-қимматига кўра моддий асосидан кам эмаслигини англашни тақозо этади.

Заминимиздан етишиб чиқсан буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, мухим кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Хусусан, **Ал-Хоразмийнинг** математикада янги йўналиш – алгебрани яратиши илм-фан ривожида мухим ўрин эгаллаганини яхши биламиз.

Она юртимиз тарихидаги улуғ зотлардан бири, мұғул босқинчилариға қарши 11 йил давомида мардонавор курашган,


Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган Жалолиддин Мангубердидир. Жалолиддин оғир бир пайтда, янги салтанат уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мұғуллар томонидан истило этилган, қўшин яксон этилиб, саркардаларнинг бир қисми хонлик йўлига ўтган, сulton мамлакатни тақдир ҳукмига ҳавола этган, ўзаро таҳлика ва саросима ҳукм сурган бир вақтда тарих сахнасида пайдо бўлди. У Ватан ва халқ эрки учун мұғулларга қарши 11 йил муттасил кураш олиб борди. 14 маротаба мұғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида ғолибликка қўлга олишга муваффақ бўлди.

Халқимизнинг енгилмас баҳодири – Алпомиш тимсолида биз  
Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак  
бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат  
ўғлонларимиз – бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини  
кўрамиз.

Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида  
шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам –  
шарқона янги йил бўлмиш Наврӯз айёми мисолида, айникса, ёрқин  
намоён бўлади.

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта ҳурсандчилик, шодиёна  
билин ўтказадиган Наврӯз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги,  
табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик  
миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакор ифодаси  
бўлиб келмокда.

13



## **Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва бошқа сиймолар жасорати**

Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби даҳолар маънавий жасорат рамзиidlар.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихида аждодларимизнинг она юрт озодлиги ва Ватан мустақиллиги учун курашларида бир қатор сиймоларнинг алоҳида ўрни бор. Шундай улуғ сиймолардан бири Нажмиддин Кубро ал-Хивақий (1145-1221) Урта Осиёда юзага келган кубровийлик тариқатининг асосчиси, олим ва шоир, ўз юртининг фидойи ватанпарвар кишиси бўлган. Инсонга меҳр-муҳаббат, муруват, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, садоқат каби умуминсоний қадриятлар Нажмиддин Кубро таълимотининг ахлоқий мезонларини ташкил этган. У ўз даврининг кўзга кўринган, обрўли алломаларидан бири ҳисобланар эди.


Хоразмшоҳлар давлатида мўғул истибоди бошланиб, Урганч шаҳри ҳимоясиз қолган бир шароитда халқ Ватан шарафини ҳимоя қилиш учун курашга бел боғлайди. Шаҳар мудофаасида фаол иштирок этган, ватанпарвар кучларга бош бўлган шахслардан бири Нажмиддин Кубродир. “Ё Ватан, ё шарофатли ўлим” деган ғояни ўзига шиор қилиб олган буюк сиймо, мўғулларнинг шаҳарни тарк этиши ва таслим бўлиши тўғрисидаги таклифини қатъиян рад этиб, ўзининг шогирдлари, сафдошлари ва қолган аҳоли билан шаҳар ички мудофаасида иштирок этади. Нажмиддин Кубронинг чақириғига мувофиқ шаҳарликлар ҳар бир қарич ерни қаҳрамонона тарзда, бир томчи қонлари қолгунча ҳимоя қиласидилар.



# Энг қадимги битиклар

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган мингминглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. **Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.**

Ота-боболаримизning асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА  
ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

**МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси**

**Президентининг фармони**

**НЕФТЬ ВА ГАЗГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ  
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси**

**Президентининг қарори**

**ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ ОРҚАЛИ ПУЛ-КРЕДИТ  
СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
фармони**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЕЛАРУСЬ – ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ТЕХНИК  
КВАЛИФИКАЦИЯЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси**

**Президентининг қарори**

**МАМЛАКАТДА БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг қарори**

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

## ҚАРИЙБ 46 ТРИЛЛИОН СҮМ МАБЛАҒ ИЖТИМОИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА САРФЛАНДИ

Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги барча қўмиталарнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти қарийб 361,8 триллион сўмни ташкил этган ҳолда, ўтган йилга нисбатан 5,7 фоизга ўсди. Мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 31 миллиард 645,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Давлат бюджетининг ўтган 9 ойлиги якуни бўйича харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 86 триллион 482,4 миллиард сўмни ёки ЯИМга нисбатан 23,9 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 53,2 фоизи, яъни 45 триллион 970,9 миллиард сўми ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун сарфланди.

Хусусан, таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 24 триллион 193,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш ва унинг турмуш фаровонлигини ошириш харажатларига (нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари) 3 триллион 451,5 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди.

# Ислоҳотлар самарадорлиги иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигини оширади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз дастлаб Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига борди.

Технопаркларни ривожлантириш ва дастурий таъминотчилар яратувчилирини қўллаб-қувватлашга Хиндистоннинг илғор тажрибасини жалб қилиш мақсадида Хиндистон Дастурий технологиялар парклари жамиятининг энг яхши мутахассислари таклиф этилди. Айни пайтда ушбу жамият Хиндистонда 57 та технопарк очиб, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Шавкат Мирзиёев “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида ўтаётган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси билан танишди

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юкори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур тадбир 18 ноябрь куни бошланган эди. Унда мингга яқин корхона, компания ва фирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 10 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашмокда.

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар мухокамасига бағишиланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги икки йилда ижтимоий нафақа оладиганлар сони 1,3 бараварга, нафақа миқдори 2 бараварга оширилгани, ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий қилингани қайд этилди. Лекин тизим билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида Халқ қабулхоналарига ижтимоий нафақалар тайинлаш билан боғлиқ 36 мингта шикоят бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Молия вазирлигига Жаҳон банки ва нуфузли молия ташкилотлари эксперtlари билан ҳамкорликда пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, ижтимоий суғурта турларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириклар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги тизимни “шок терапияси” усулида ислоҳ қилиш аҳолининг ҳар хил қатламига турлича таъсир этишини алоҳида таъкидлаб, мутасаддиларга 2030 йилгача аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди. Бунинг учун 2020 йил биринчи ярми якунигача аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни ҳар бир ҳудудда экспериментдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

## ТОШКЕНТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТАДИ

2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади.

Саммит кун тартибидан сиёсий, савдо-иктисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Томонлар, шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Учрашув сўнгида якуний ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам ўtkазиш ташабbusи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Биринчи саммит ўтган йилнинг март ойида Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтди.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италияning Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш, жумладан, Италия ва Европа Иттифоқининг етакчи индустрисал, интеллектуал ва маданий марказларидан бири бўлмиш Ломбардия билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболлари кўриб чиқилди.

Фаол ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро алмашинувларни йўлга қўйиш, Италияning компанияя ва ташкилотлари билан савдо, инвестициялар, саноат технологиялари, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Олий даражадаги икки томонлама тадбирларга тайёргарлик кўриш доирасида мамлакатимиз ва Италияning ушбу ҳудуди ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

# УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ БҮЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 22 ноябрь куни қишлоқлар ва шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишлиган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун йилига қарийб 30 триллион сўм маблағ зарур бўлади. Кейинги йилдан бошлаб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида янги тизим жорий этилади. Энди уйлар давлат томонидан эмас, тўлиқ хусусий сектор томонидан қурилади.

Келаси йилда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари амалдаги тизим асосида шаҳарларда 4 минг 250 та ва қишлоқ жойларида 8 мингта уй-жой қурилишини давом эттиради.

Тайёр уйлар узоқ вақт давомида сотилмай туриши ҳолларининг олдини олиш мақсадида шаҳарларда қурилишни молиялаштириш тизими такомиллаштирилади. Энди турар жойларга талабгорлар рўйхати шакллантирилиб, бошланғич бадал йиғилмагунча қурилишга молиялаштириш очилмайди.

Банклар 2020 йилда амалдаги тизим бўйича шаҳарларда қуриладиган уй-жойларнинг харидорини аниқлаган ҳолда, қурилишни мижозга ажратиладиган ипотека кредити ҳисобидан молиялаштириш тизимини жорий этадиган бўлди. Уйлар нархини тушириш ва сифатини ошириш учун инновацион қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

# ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЙИҒИЛИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ўринбосари Дилшод Ахатов бошлигидаги делегация 2019 йил 25 ноябрь куни Саудия Арабистонида бўлади. Бу ҳақида вазирлик матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Юсуф ал-Усаймин ва Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазири Файсал Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон делегацияси 25 ноябрь куни Жидда шаҳрида ИХТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлашга бағишенган “Тинчлик ва тараққиёт учун бирлашиш” шиори остидаги тантанали йиғилиш ва тадбирларда иштирок этади.

Ташриф доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ва музокаралар ўтказиш режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, Ислом ҳамкорлик ташкилоти 1969 йил сентябрда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ислом бирдамлигини таъминлаш учун ташкил этилган. 2011 йилга қадар у Ислом конференцияси ташкилоти номи билан аталган. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1996 йилда аъзо бўлган.